

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

397 **Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 23 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2483

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги 113-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 10-сон, 118-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси тўғрисида низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ҳамда у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Ж. КАДИРОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 25 июнь,
9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
захираларини бошқариш қўмитасининг
2013 йил 25 июндаги 9-сонли қарорига
ИЛОВА

**Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Йўриқнома талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси (бундан буён матнда Қўмита деб юритилади) тизимидаги ташкилотлар ҳамда биринчи гуруҳ моддий бойликларни масъул сақловчи ташкилотлар учун мажбурийдир.

3. Гуруч ёрмаси деб шоли донидан тўпони, алейрон қатлами ва муртаги бутунлай ёки қисман тозаланган, бутун ёки янчилган ёрма ҳисобланади.

4. Давлат захирасига топширилаётган гуруч ёрмаси сифат кўрсаткичлари бўйича норматив ҳужжатлар талабларига асосан қабул қилинади, шунингдек мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида назарда тутилган тур ва навларга бўлинади.

Гуруч ёрмасининг тур ҳамда навлари тавсифи ва меъёрлари мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида кўрсатиб ўтилган.

5. Давлат захирасига топширилаётган гуруч ёрмаси хавфсизлиги бўйича СанПиН РУз 0283-10 «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича гигиеник талаблар» га мувофиқ бўлиши лозим.

6. Давлат захирасига топширилаётган гуруч ёрмаси ўз сифатига кўра узоқ муддат сақлашга яроқли бўлиши керак. Бунда сифати бузилган, сақлаш даврида қизиб кетган, дон маҳсулотлари зараркунандалари билан зарарланган гуруч ёрмасини етказиб бериш ва топшириш қатъиян ман этилади.

II боб. Гуруч ёрмасини қадоқлаш, ёрлиқлаш ва ташиш

7. Давлат захирасига топширилаётган гуруч ёрмаси норматив ҳужжатлар талабларига асосан қадоқланади, ёрлиқланади, ташилади ва сақланади.

8. Гуруч ёрмаси янги иплардан тўқилган озиқ-овқат қопларига ёки полипропилен қопларга 45, 50 ва 70 кг стандарт оғирликда қадоқланади, қоплар тикилган бўлиши керак.

9. Гуруч ёрмасини қопларга қадоқлаш вақтида ҳар бир қопга мустаҳкам картондан, қоп учун қоғоздан, А русумли ўраш қоғозларидан ёки ташиш ва

сақлашда ёрлиқнинг сақланишини таъминловчи бошқа материаллардан 6 x 9 см ўлчамдаги ёрлиқлар бириктирилади. Қўшимча маълумотлар кўрсатилиши учун ёрлиқларнинг ўлчамларини икки баравар, яъни 12 x 18 см гача катталаштириш мумкин.

10. Ёрлиққа махсулотни тавсифловчи қуйидаги маълумотлар ёзилиши керак:

товар белгиси (мавжуд бўлса);

ишлаб чиқарувчи/етказиб берувчи ташкилотнинг номи, манзили;

махсулот номи, тури, нави;

нетто массаси (кг);

ишлаб чиқарилган ёки қадоқланган санаси;

сақлаш муддати (яроқлилик муддати, агарда норматив ҳужжат билан белгиланган бўлса);

сақлаш шароити («қуруқ жойда сақлансин» сўзлари);

норматив ҳужжат номи;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган махсулот учун «O'zbekistonda ishlab chiqarilgan» деган сўзлар.

11. Ёрлиқлардаги ёзувлар қора рангда бўлиши керак.

12. Давлат захирасига топшириладиган гуруч ёрмасини транспортда ташиш норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

13. Гуруч ёрмаси юк ташиш қоидаларига риоя қилган ҳолда ҳар қандай транспорт турида ташилади.

14. Темир йўл ёки автомобиль транспорти орқали ташишларда қопларнинг оғзи тикув машинасида тикилган бўлиши керак.

15. Гуруч ёрмаси темир йўл орқали ёпик, техник жиҳатдан соз ва тоза транспорт воситаларида ташилади.

16. Гуруч ёрмасини ифлос, олдин юк ташилган (кўмир, оҳак, цемент, туз ва ҳоказо), хидли ва захарли юк қолдиқлари қолган, бўёғи қуримаган ва текканда ифлос қиладиган ёки хиди кетмаган транспорт воситаларида ташиш қатъиян ман этилади.

17. Бир турдаги гуруч ёрмаси битта транспорт воситасида битта юк олувчига жўнатилганда юкнинг камида тўртта жойига тамға босилади. Бунда норматив ҳужжатларга мувофиқ «Намлиқдан асранг» деган огоҳлантирувчи белги қўйилади.

III боб. Гуруч ёрмасини етказиб бериш ва қабул қилиш

18. Гуруч ёрмасини миқдор ва сифат бўйича қабул қилиш шартномага асосан, қонун ҳужжатлари ва мазкур Йўриқномага мувофиқ амалга оширилади.

19. Гуруч ёрмаси юк олувчининг омборида етказиб берувчининг вакили иштирокида қабул қилинади.

20. Гуруч ёрмаси партиялаб қабул қилинади. Гуруч ёрмаси партияси битта тур ва навли, бир вақтда қабул қилиш, жўнатиш, сақлаш ва сифат

текшируви ўтказишга мўлжалланган, сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари расмийлаштирилган маълум миқдордаги гуруч ёрмаси ҳисобланади.

21. Ҳар бир гуруч ёрмаси партиясига қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

мувофиқлик сертификати ва гигиена сертификати ёки уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари;

22. Омборга етказиб берилган гуруч ёрмасининг ишлаб чиқарилган санаси 3 ойдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

23. Гуруч ёрмасини қабул қилишда Қўмита тизимида кирувчи ёки Қўмита билан шартнома асосида моддий бойликларни масъул сақловчи ташкилотлар вакиллари томонидан қоплар, ўрамлар, ёрликлар ва тамғалар норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бериши текширилади.

24. Гуруч ёрмасини белгиланган талабларга жавоб беришини текшириш учун норматив ҳужжатлар талабларига асосан намуналар танлаб олинади. Намуналар сони норматив ҳужжатларга асосан партия ҳажмидан келиб чиққан ҳолда мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ белгиланади.

25. Гуруч ёрмасини сифати норматив ҳужжатларда кўрсатилган кўрсаткичлар асосида қўйидаги кетма-кетликда аниқланади:

ранги, хиди, таъми;

намлиги;

сифатли мағзининг кўрсаткичлари, қўшимчалар, бузилган ва синиқ мағзи миқдори, тозаланмаган, сарғайган ва қизил донлар миқдори ва ҳоказо;

дон зараркунандалари билан зарарланганлиги;

нордонлигини аниқлаш;

микробиологик кўрсаткичлари;

кимёвий кўрсаткичлари (таркибда мис, кўрғошин, симоб, кадмий, цинк миқдорларини аниқлаш).

Текшириш натижалари барча партияларга тааллуқлидир.

26. Маҳсулот ёки идишнинг бузилиши (шикастланиш, намланиш, ифлосланиш), маҳсулотнинг номи, миқдори ёки ўринлари транспорт ҳужжатларида белгиланганидан фарқ қилган тақдирда тижорат далолатномаси тuzилади. Етказиб берувчи ташкилотнинг вакили иштирок этмаган ҳолларда эса, мустақил экспертлар жалб қилинади ва қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади.

27. Гуруч ёрмасининг сифати, қадоғи, тамғаси норматив ҳужжат талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда етказиб берувчи ушбу маҳсулотни шартномага мувофиқ алмаштириб бериши шарт.

IV боб. Омборларга қўйиладиган талаблар

28. Давлат захирасига қабул қилинган гуруч ёрмасини сақлаш учун ажратилган омборлар норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

Жумладан:

омборларнинг худуди ўралган бўлиши, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларига қатъий мувофиқ ҳолда бўлиши керак; омборлар ерости сувларининг қувурларга чиқиб кетишини таъминловчи тегишли сув тарновлари билан таъминланган бўлиши керак; транспорт воситаси юрадиган қисми, барча майдончалар асфальтланган ва тунги соатларда ёритилган бўлиши керак.

29. Омборлар техник ва санитар жиҳатдан қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

қуруқ бўлиши;

ерости сувларнинг сизиб киришидан ҳимояланган, томлари соз ҳолатда бўлиши;

маҳсулотга хос бўлмаган ҳидга эга бўлмаслиги ва зараркунандалар билан зарарланмаган бўлиши;

фаол шамоллатишнинг кирувчи тешиклари ёнғингарчилик вақтида сувнинг кириб кетишидан сақловчи зич ёпилувчи қопқоқларга эга бўлиши.

30. Омборларнинг поли асфальтланган ёки бетонланган, баландлиги 10 — 15 см бўлган тахта тагликлар ёки махсус ечиладиган (кўчма) тагликлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

31. Барча тоифадаги қўшимча маҳсулот ва чиқиндилар асосий маҳсулотлардан ажратилган алоҳида омборлар ва идишларда сақланиши керак.

32. Омборларга фақат хизмат қилувчи ходимлар ва сақланаётган маҳсулот устидан назорат ва кузатишни амалга оширувчи шахслар кириши мумкин.

33. Омборларнинг гуруч ёрмасини қабул қилишга тайёрлиги бош муҳандис, бош энергетик, лаборатория мудир, сақлаш участкаси бошлиғи ва ёнғин хавфсизлиги учун масъул шахслардан иборат таркибдаги комиссия томонидан текширилади ҳамда далолатнома билан расмийлаштирилади.

34. Омборлар:

зарур инвентарь ва асбоб-ускуналар;

ҳарорат-намлик даражасини назорат қилиш асбоблари (термометрлар, термографлар, гигрографлар ва психрометрлар);

химоя воситалари ва қўриқлаш сигнализацияси, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, шунингдек автоматик равишда ёнғиндан хабар бериш қурилмалари;

биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш воситалари билан таъминланиши лозим.

35. Ёнғин чиқиш манбаларининг қуввати қанчалик катта ва таъсир кучи қанчалик давомийлигидан қатъи назар, сақлаш жараёнида гуруч ёрмасини улардан узоқда тутиш лозим.

36. Омборхоналар тегишли ускуналар, плакат, ёзув, кўрсаткич, хавф тўғрисида огоҳлантирувчи белгилар ва сигнализация билан таъминланиши лозим.

37. Барча юк ташиш мосламалари қулай ва хавфсиз ишлашни таъминловчи мосламалар, шунингдек уларнинг юк кўтариш қувватини, кўриқдан ўтказилган сана ва юк тахлаш усули кўрсатилган трафаретга эга бўлиши лозим.

38. Сув билан иситиладиган омборхоналарда авария чиқиши эҳтимолини назарда тутган ҳолда иситиш мосламалари стационар тўсиқлар билан тўсиб қўйилади.

V боб. Гуруч ёрмасини омборга жойлаш

39. Гуруч ёрмаси омборларда норматив ҳужжатлар талабларига асосан номи, нави, тури, ишлаб чиқарган ташкилот, ишлаб чиқарилган ва омборга келтирилган вақти, партия ва сифат белгиларига қараб алоҳида жойлаштирилади.

40. Гуруч ёрмасини омборда бошқа товар ва материаллар билан жойлаштириш ман этилади. Гуруч ёрмасини маҳсулот сақланадиган омборда элаш, бошқа идишга кўчириш ва идишини тозалаш ман этилади.

41. Омборларда штабеллар ораси ва деворлар ёнида, сақлаш жараёнида маҳсулотнинг ҳолатини кузатиб туриш учун нормал шароит яратувчи, эни 0,7 м бўлган йўлакчалар қолдирилади. Ёрмани қабул қилиш-тарқатиш операцияларини амалга ошириш учун юклаш-тушириш ишлари учун тасмали транспортёрлар ишлатилганда йўлакларнинг эни 1,25 м дан кам бўлмаслиги ва электропогрузчиклар ишлатилганда 3,8 м гача бўлиши керак.

42. Маҳсулот солинган қоплар текис қилиниб, учталаб штабелга тахланади. Қопларни учталаб тахлаш қуйидаги тартибда бажарилади:

иккита қоп ёнма-ён қўйилади, учинчиси ёнига тақаб кўндаланг қилиб ётқизилади;

иккинчи қаватда битта қоп иккита параллел қоп устига кўндаланг қилиб ётқизилади, қолган иккита қоп эса кўндаланг ва бўйлама қоплар устига ётқизилади.

43. Сақланиши учун яхшилаб шамоллатишни талаб этувчи (дегазацияланиши қийин бўлган, келганида намлиги юқори бўлган) гуруч ёрмаси қоплари тўртталаб (икки тарафи очиқ) тахланади, бундай қоплар қуйидаги тартибда тахланади:

биринчи қаватдаги иккита қоп орасида кичик масофа қолдирилиб параллел тахланади;

иккинчи қаватдаги бир жуфт қоп биринчи қаватдагиларга кўндаланг қилиб ётқизилади;

учинчи қаватдаги қоплар эса, биринчи қаватдагидек тахланади ва ҳ. к. Барча қатордаги қоплар ёнбошига ётқизилади. Икки тарафи очиқ қилиб тахланганда штабелларнинг баландлиги олти қатордан ошмаслиги керак.

44. Маҳсулотларни сақлаш, кўчириш ва юклаш-тушириш ишларини бажаришда идиш бутлигининг сақланиши кузатиб турилиши керак. Йиртилган ва ифлос бўлган қопларни штабелга тахлаш ман этилади. Йиртилган,

ёрилган ёки кемирувчилар томонидан тешилган қоплар зудлик билан тузатилиши ва бошқа мустаҳкам қопга алмаштирилиши лозим.

45. Матоли қоплардаги стандарт намликдаги гуруч ёрмаси умумий баландлиги мазкур Йўриқноманинг 4-иловасида келтирилган жадвалга мувофиқ бўлган штабелларга тахланади.

46. Маҳсулотнинг ҳар бир штабелига белгиланган шаклдаги штабель ёрлиғи осилади.

47. Ёрманинг сақланишини таъминлаш мақсадида, омборда имкон қадар узоқ вақт маҳсулотни сақлаш учун оптимал шароит яратилиши лозим.

Қоплардаги ва истеъмол идишидаги ёрмаларни сақлаш учун оптимал шароит ҳавонинг нисбий намлиги 70 фоиз ва ҳарорати 10° С дан ошмаган шароит ҳисобланади.

Шамоллатишнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашда гуруч ёрмасининг табиий намлиги инobatга олинаши лозим.

48. Омбор ташқариси ва ичидаги ҳаво ҳароратида кескин фарқ бўлган тақдирда, штабелларнинг пастки қаватлардаги маҳсулот устидан ҳар ўн кунлик назорат ўрнатилади.

49. Баҳорги илиқ кунлар бошланиши билан паст ҳароратни таъминлаш бўйича чоралар кўрилади. Бунинг учун омборнинг дераза ва эшиклари берк туради, фақат жуда зарур ҳоллардагина очилади.

50. Сақланаётган маҳсулотнинг сақлаш шароитлари, ҳолати ва сифати устидан унинг омборга келиб тушган вақтидан бошлаб қуйидагилар мунтазам назорат қилинади:

ёрманинг ҳарорати;

ёрманинг намлиги;

ёрманинг таъми, ҳиди ва ранги;

ёрманинг, шунингдек омбор ва ускуналарнинг зараркунандалар билан зарарланганлиги.

51. Гуруч ёрмасининг ҳарорати металл ғилофдаги спиртли термометр билан турли баландликдаги (пастки, ўрта ва юқори қаторларда) штабелларнинг ташқи қопларида ўлчанади. Симобли термометрлардан фойдаланиш ман этилади.

52. Ҳар бир штабель алоҳида кўздан кечирилади, бунда асосий эътибор штабелнинг пастки қаторларидаги қопларда гуруч ёрмасининг намланиши ва зичлашиб қолиши мумкинлигига қаратилади.

53. Гуруч ёрмасининг намлиги, таъми, ҳиди, ранги ва сифатининг бошқа кўрсаткичларини, шунингдек зараркунандалар билан зарарланганлигини аниқлаш учун ҳар бир штабелдан бир ойда бир марта ўртача намуна олинади.

Зарурат бўлганда, зараркунандалар билан зарарланганлик ва 10° С дан юқори ҳароратда маҳсулотнинг органолептик кўрсаткичлари бир ойда икки марта аниқланади.

54. Узоқ муддат сақланадиган маҳсулот сифатини аниқлашда органолептик ва бошқа кўрсаткичларнинг (сарғайган донларнинг миқдори, оқланган тарикда бузилган донларнинг миқдори ва ҳ. к.) ўзгаришига эътибор бериш ва уларни штабел ёрлиқларига ёзиб қўйиш керак.

55. Ёрма намуналарини танлашда, зараркунандалар билан зарарланганлигини текшириш мақсадида, қоплар яхшилаб кўздан кечирилади (айниқса, бош тарафи). Бир вақтнинг ўзида зараркунандалар тўпланиши мумкин бўлган чоклар, деворлар, поллар ва жойлар текширилади.

56. Давлат захирасига қабул қилинадиган силлиқланган гуруч ёрмаси норматив хужжатлар талабларига мувофиқ 12 ой сақланади.

57. Гуруч ёрмаси белгиланган муддатдан ортиқ сақланганда ҳар ойда камида бир марта ёрмадан пиширилган бўтқа таъми татиб кўрилади ва ёрмани яна сақлаш имконияти аниқланади.

VI боб. Гуруч ёрмасини сақлаш

58. Гуруч ёрмасининг сифатли сақланишини таъминлаш учун маҳсулотни совутиш мақсадида омборхона шамоллатиб турилиши лозим. Худди шу мақсадда гуруч қоплари қайтадан тахлаб турилади.

59. Штабелларни қайта тахлаш муддатлари ҳар бир партия учун маҳсулотнинг сифати ва ҳолати, қанча вақт сақланаётгани ва штабел баландлигидан келиб чиқиб, лаборатория ҳамда тегишли назорат олиб бориш юклатилган мутахассисларнинг хулосасига асосан белгиланади. Қайтадан тахланаётганда пастки қатордаги қоплар тепа қаторга тахланади.

60. Бир омборхонада дон маҳсулотлари зараркунандалари билан зарарланган гуруч ёрмасини зарарланмаган гуруч ёрмаси билан бирга сақлаш қатъиян ман этилади.

Сақланаётган гуруч ёрмасида дон маҳсулотлари зараркунандалари аниқланса, маҳсулотни зарарсизлантириш, ишлов бериш ва биринчи навбатда сотиш лозим.

61. Штабелда туриб қолган ва намиққан маҳсулотлар аниқланса, уни пастроққа қўйиш, намиққан ёки моғор босган қопларни ажратиш ва белгиланган тартибда сифатли маҳсулотларга алмаштириш лозим.

62. Ҳарорати юқори маҳсулот аниқланган штабелар зудлик билан бузилиши ва қизиган гуруч ёрмаси сақланаётган қоплар ажратиб олиниши лозим.

63. Сақлаш давом эттирилса, сифати ёмонлашиши мумкин бўлган гуруч ёрмалари сақлаш муддатидан қатъи назар, зудлик билан янгиланиши лозим.

VII боб. Гуруч ёрмасини юклаш ва жўнатиш

64. Гуруч ёрмасини юклаш ва жўнатиш Қўмита томонидан бериладиган нарядлар асосида амалга оширилади. Гуруч ёрмасини юклаб жўнатиш навбати маҳсулотнинг сифати, қабул қилинган вақти ва сақлаш шароитидан келиб чиқиб белгиланади.

65. Юкланган маҳсулот миқдори стандарт идишдаги ўрин сонига қараб, ўрам бузилган бўлса, ҳақиқий оғирлигига қараб аниқланади.

VIII боб. Яқуний қоида

66. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2013 йил 21 июнь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги Бош директори*

А. КУРБАНОВ

2013 йил 21 июнь

*«Ўздонмахсулот» акциядорлик
компанияси раиси*

Э. КУДРАТОВ

2013 йил 21 июнь

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
давлат дон инспекцияси бошлиғи*

З. АБИДОВ

2013 йил 21 июнь

*«Ўзбекистон темир йўллари»
Давлат-акциядорлик
компанияси бошқаруви раиси*

А. РАМАТОВ

2013 йил 21 июнь

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғи*

А. АБДУВАЛИЕВ

2013 йил 21 июнь

Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

Гуруч ёрмасининг турлари ва навлари

Ёрма тури	Ёрма нави	Ёрма тавсифи ва ишлов бериш усули
Силлиқланган гуруч	Экстра	Пўсти олинган I ёки II типдаги шоли донидан силлиқлаш йўли билан ишлаб чиқилган, усти силлиқ эмас, гул пардаси, мева ва уруғ қобиғи бутунлай, алейрон қатлами ва муртагининг кўп қисми олиб ташланган мағиздан иборат маҳсулот.
	Олий Биринчи Иккинчи Учинчи	Пўсти олинган III ёки IV типдаги шоли донидан силлиқлаш йўли билан ишлаб чиқилган, усти силлиқ эмас, гул пардаси, мева ва уруғ қобиқлари ажратилган, алейрон қатлами ва муртагининг кўп қисми олиб ташланган мағиздан иборат, таркибдаги рангли мағиз миқдори мазкур норматив ҳужжатлар талабларида белгиланган меъёрлардан оширилмаган маҳсулот. Шунингдек, пўсти олинган I ёки II типдаги шоли донидан силлиқлаш йўли билан ишлаб чиқилган, лекин сифат кўрсаткичлари бўйича экстра навиға жавоб бермайдиган маҳсулот.
Янчилган, силлиқланган гуруч	Навларга бўлинмайди	I, II, III, IV типдаги шоли донидан ёрма ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган, ёрилган ҳамда мағзи кўшимча силлиқланган, мағзининг ўлчови бутун мағзга нисбатан 2/3 қисмини ташкил этган, шунингдек 1,5 мм диаметри элакдан ўтмаган маҳсулот.

Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

Гуруч ёрмаси тавсифлари ва меъёрлари

Кўрсаткичлар	Гуруч ёрмаси учун тавсифлар ва меъёрлар					
	экстра нав	олий нав	биринчи нав	иккинчи нав	учинчи нав	майдаланган
Ранги	оқ	турли тусдаги оқ				
Ҳид	гуруч ёрмасига хос, ёт моддаларнинг ҳидларисиз, моғор босмаган, намиқмаган					
Маза	гуруч ёрмасига хос, ёт мазаларсиз нордон, тахир эмас					
Узунлигининг энига нисбати 2,3 ва ундан ортиқ бўлган мағизлар сони, фонзда, кам эмас	90	-	-	-	-	-
Намлик, фонзда, кўп эмас	15,5	15,5	15,5	15,5	15,5	15,5
Сифатли мағиз, фонзда, кам эмас	99,7	99,7	99,4	99,1	99,0	98,2
Шу жумладан: майдаланган гуруч, фонзда, кўп эмас	4,0	4,0	9,0	13,0	25,0	-
Саргайган гуруч мағизлари, фонзда, кўп эмас	йўл кўйилмайди	0,5	2,0	6,0	8,0	-

Кўрсаткичлар	Гуруч ёрмаси учун тавсифлар ва меъёрлар					
	экстра нав	олий нав	биринчи нав	иккинчи нав	учинчи нав	майдаланган
Бўрли гуруч мағизлари, фоизда, кўп эмас	1,0	1,0	2,0	3,0	4,0	8,0
Қизил йўл-йўл гуруч, фоизда, кўп эмас	йўл қўйилмайди	1,0	3,0	8,0	10,0	чекланмайди
Қизил мағиз, фоизда, кўп эмас	йўл қўйилмайди				1,0	чекланмайди
Глютиноз мағизлар, фоизда, кўп эмас	0,5	1,0	2,0	2,0	3,0	-
Оқланган ёввойи тариқ донлари (курмак), фоизда, кам эмас	-	-	-	-	-	3,0
Тозаланмаган гуруч донлари, фоизда, кўп эмас	йўл қўйилмайди		0,2	0,3	0,3	-
Ифлослик нуқсонлар аралашмаси, фоизда, кўп эмас	0,2	0,2	0,3	0,4	0,4	0,8
Шу жумладан: минерал аралашмалар	0,05	0,05	0,05	0,05	0,05	0,10
Органик аралашмалар	йўл қўйилмайди		0,05	0,05	0,05	0,05
Ғалла захиралари зараркунандалари билан зарарланганлик	йўл қўйилмайди					
Ғалла захиралари ўлик зараркунандалари билан зарарланганлик: ўлик кўнғизлар, 1 кг да экз., кўпи билан	йўл қўйилмайди		15	15	15	15
Металломагнит аралашма, 1 кг да мг, кўпи билан	3	3	3	3	3	3

Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 3-ИЛОВА

Гуруч ёрмасидан олинадиган намуналарнинг сони

Партия ҳажми (партияда қоплар сони)	Олинадиган намуна сони (қопларда)
10 тагача (ўнинчисини қўшиб)	ҳар бир қопдан
10 тадан ортиқ 100 тагача (юзинчисини қўшиб)	биринчи 10 та қопнинг ҳар биридан ва кейинги ҳар 10 та қопнинг биттасидан
100 дан ортиқ	биринчи 20 та қопнинг ҳар биридан ва партиядagi қолган қопларнинг ҳар 100 тасининг 5 фоиз қисмидан олинади

30 (582)-сон

— 163 —

397-398-моддалар

Биринчи гуруҳга гуруч ёрмасини етказиб
бериш, қабул қилиш, сақлаш ва бериб
юбориш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
4-ИЛОВА

Қоплардаги гуруч ёрмасининг массаси қопда (нетто)	Баландлиги бўйича штабеллардаги қоп қаторларининг сони
50 кг гача	16
50 дан 70 кг гача	12